

**А Ж Р И М**  
**(апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисида)**

2023 йил январь ойининг 16 куни жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди ўз биносига, очиқ суд мажлисида, шу суднинг раиси Р.Бобажановнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Рустамованинг котибалигида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан судланган Х.Бабажановнинг апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман судининг 2022 йил 19 декабрь кунги ҳукмига кўра Бабажанов Хамидбек Юлдашбаевич Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Маҳкум Х.Бабажаов судга илтимоснома билан муружаат қилиб унда, суднинг ҳукмини 2022 йил 28 декабрь куни почта алоқаси боғланмаси орқали олганлиги сабабли ҳукм устидан шикоят қилишнинг қонунда белгиланган 20 кунлик муддати ўтиб кетганлиги тўғрисида ваз келтириб ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят қилишнинг ўтказиб юборилган муддатини узрли деб топишни сўраган.

Ишда мавжуд ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра маҳкум Х.Бабажаов ўзига нисбатан чиқарилган суднинг ҳукмини 2022 йилнинг 28 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасида, Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкинлиги, шу Кодекснинг 497<sup>5</sup>-моддасида, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан муружаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, маҳкум Бабажанов Хамидбек Юлдашбаевичнинг шикоятида кўрсатиб ўтган вазларни инобатга олиб, ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят қилиш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган деб ҳисоблайди.

Шу сабабли суд, иш бўйича апелляция шикояти бериш муддатини тиклашни ва шикоятни ушбу суд орқали тегишли тартибда расмийлаштириб кўриб чиқишлик учун Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига юборишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>5</sup>-моддасига амал қилиб, суд

**А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман судининг 2022 йил 19 декабрь кунги ҳукми устидан маҳкум Бабажанов Хамидбек Юлдашбаевич томонидан апелляция шикояти бериш муддати тиклансин.

Маҳкум Бабажанов Хамидбек Юлдашбаевичнинг апелляция шикояти тегишли тартибда расмийлаштирилиб, жиноят иши билан бирга Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига юборилсин.

Ажрим устидан чиқарилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Р.М. Бобажанов**

